

12-МОДУЛЬ. САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИ АЪЗОЛАРИНИНГ МУЛОҚОТ САМАРАДОРЛИГИ

УСК аъзолари сайловгача ва сайлов куни кимлар билан мулоқотга киришадилар? Жадвални тўлдилинг.

УСК аъзоларининг мулоқот ўрнатиш тартиби		
	сайловгача	сайлов куни
Сайловчилар		
ОАВ вакиллари		
Хорижлик кузатувчилар		
Ишончли вакиллар		
Ҳокимият идоралари		

Мулоқот маданияти – бу ...

12.1. Илова

Мулоқот бу – икки ва ундан ортиқ кишилар ўртасидаги ўзаро бир-бирини тинглаш, таъсир этиш орқали маълумотлар алмашишга қаратилган фаолиятдир.

Мулоқот – бу инсонларнинг ҳамкорликдаги фаолиятига бўлган эҳтиёжи бўлиб, муносабатлар, ўзаро таъсирлар, маълумот ҳамда ахборот алмашишга доир уларнинг биргаликдаги фаолиятидир.

Ёдда тутинг!

Сайлов жараёнларида мулоқот самарадорлигига эришиш учун сайлов иштирокчисининг ёши, жинси, касби, дунёқарашини ҳисобга олган ҳолда муомалага кириш муҳим ҳисобланади. Мулоқот маданиятида инсонларнинг ижтимоий характери, анъанавий турмуш тарзи, амал қилиб келаётган урф-одат ва анъаналарини инобатга олиш муҳимдир.

Халқимиз қадимдан ўзининг анъанавий мулоқот маданиятида ворисийлик ёндошувига амал қилиб келаётган халқлардан бири саналади. Ушбу ворисийликка инсонларнинг ўзаро муносабатларидаги андишаллик, самимийлик, катталарга ҳурмат, кичикларга иззат, ўзаро ёрдам, сабрлилик, кечиримлилик, шукроналик каби фазилатлар етакчи ўринда туради. Айниқса бундай ўзига хослик умумхалқ сайиллари ва байрамларда кўпроқ кўзга ташланади. Мамлакатимизда ўтказилаётган сайлов ҳам айнан шундай хусусиятларни ўзида мужассамлаштирадиган сиёсий жараёндир.

Мулоқот самарадорлигига таъсир этувчи омилларни қуйидаги учта турга бўлиш мумкин

Коммуникативлик - бу мулоқотдаги шахсларнинг ўзаро маълумот алмашишидир.

Интерактивлик - жиҳати бу индивидлар мулоқотда нафақат билим ва ғоялар балки ҳаракатлар бўйича ҳам ўзаро таъсирини ташкил этишдан иборат.

Перцептивлик - мулоқот жараёнида ўзаро бир-бирини идрок қилиш орқали тушунишдир, яъни суҳбатдошини ички туйғуларини тушуниши, суҳбат вақтида унинг ўрнига ўзини қўйишни ақлан идрок этиш назарда тутилади.

Қуйидаги саволларга жавоб ёзинг.

- ✓ Сайловчилар билан мулоқотга киришишда нималарга эътибор қаратиш лозим деб ўйлайсиз?

- ✓ Сайлов кунида УСК раиси ва аъзолари мулоқот маданиятига оид қандай билимларга эга бўлишлари лозим?

- ✓ УСК аъзолари сайловгача ва сайлов куни кимлар билан мулоқотга киришадилар?

Шуни эсдан чиқармаслигимиз керакки, сайлов даврида УСК аъзоларининг сайлов иштирокчилари билан ўзаро қўпол муносабатда бўлганликлари учун тегишли чоралар кўрилиши мумкин.

12.2. илова

Сайлов вақтида УСК аъзолари мулоқот самарадорлигига доир куйидаги тавсияларни эсда тутишлари лозим:

✓ ҳар бир сайлов иштирокчиси билан дастлаб юзланганлигингизда “*Ассалому алайкум*” ёки улар салом берганида “*Ваалейкум ассалом*” дейишни унутманг;

✓ сайловга ташриф буюрган ёши катта нуруний отахон ва онахонлар келганда ўрнингиздан турунг, самимийлик билан салом бериб, кутиб олинг;

✓ ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос миллий менталитети борлигини унутманг;

✓ мулоқот самарадорлигида сайловчиларнинг жинсий фарқланиши ва ёш хусусиятларни инобатга олинг;

✓ нотаниш шахслар билан тез фурсат ичида очиқ чехрада муомалага кириша олинг;

✓ келган сайлов иштирокчисига сиз яхши суҳбатдош сифатида кўринишингизни намоён этинг;

✓ сайлов иштирокчисини суҳбат вақтида тинглай олинг;

✓ ҳар қандай ҳолатда ҳам жаҳлингиз чиққанлиги ёки чарчаганлигингизни сайлов иштирокчисига сездирманг;

✓ сайлов иштирокчилари билан баланд ёки жуда паст овозда гаплашманг, меъёрни сақланг;

✓ сайлов иштирокчилари билан суҳбатлашаётган вақтда нигоҳингизни унга қаратинг;

✓ сайловчи билан суҳбат чоғида ўзингизни “мен”ингизни марказий жойга кўйманг, камтар бўлинг;

✓ сайлов иштирокчилари сизга савол берганда жавобингиз бўлмаса, вазиятдан чиқишга ҳаракат қилиб, хато жавоб берманг. Сайловга масъул бўлган юқори ташкилот ёки шахсларга мурожаат қилинг ёки сайлов қонунчилигидан тўғри жавобни айтинг.

1-казус

Сайловдан 3 кун олдин УСК раиси ўз аъзолари билан мажлис ўтказаётган вақтда аккредитациясидан ўтган ОАВ вакили хонага ташриф буюрди ва уларнинг мажлисларини кузатиб туришини маълум қилди ва рухсат сўради. Шунда раис мухбирга мулойимлик билан олдиндан огоҳлантиришингиз зарур эди, шунингдек, бугунги мажлисда комиссиянинг ички тартиб масалалари кўрилаётганлиги билдирди. Шу билан бирга ОАВлари сайлов куни кузатувчи сифатида қатнашиши қонунан тўғри эканлигини маълум қилди ва мухбирни мажлислар хонасига таклиф этмади. Ушбу ҳолатда УСК раиси қонунан тўғри ёндошганми?

2-казус

Сайлов куни УСК аъзоларига таниш бўлган, қўшни сайлов участкасидан келган сайловчи унинг сайловчилар рўйхатида йўқлигидан ва шу сайлов участкасида овоз беришини истаётганлигини кўпол оҳангда раисга билдирди. Раис қандай жавоб бериши лозим деб ўйлайсиз?

3-казус

Сайлов куни соат 10:30да участка сайлов комиссияси раиси хорижлик кузатувчилар бинога кириб келаётганлигини кўриб қолди. Ушбу вазиятда раис УСК аъзоларини огоҳлантириш учун қандай мулоқот йўлини тутди.

4-казус

Сайлов куни бюллетень тарқатаётган УСК аъзосига сайловчи самимийлик билан сайлов бюллетенини тўлдиргунга қадар боласига қараб туришни илтимос қилди. УСК аъзоси ушбу мурожаатга қандай жавоб бериши лозим деб ўйлайсиз?

12.4.Илова

1-казус

Сайловчи сайлов участкасига ташриф буюрганда исми ва шарифи электрон рўйхатдан чиқмади. УСК раисига шикоят билан мурожаат қилди. Ушбу вазиятда УСК аъзоларининг ҳатти-ҳаракатларини ёритиб беринг ва таҳлил қилинг. Вазиятдан чиқиш йўллари аниқ кетма-кетликда кўрсатиб беринг.

2-казус

Сайловга беш кун қолганида фуқаро А. келиб, сайлов участкасидаги сайловчилар рўйхати билан танишганда унинг 18 ёшга тўлган фарзанди ушбу рўйхатда йўқлигини билиб қолди ва раисга бу ҳақда мурожаат қилиб, уни дархол рўйхатга киритишни сўраб мурожаат қилди. Ушбу ҳолатда УСК аъзоларининг қандай ҳолда тўғри ҳаракат қилишларини асослаб беринг

Саволга жавоб беринг

Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари билан ишлашда мурожаатнинг қандай тури ва шаклларига эътибор бериш керак? _____

Гуруҳий муҳокама учун саволлар

1. Сизга округ сайлов комиссияси раиси сифатида хорижий давлатдан келган фуқаро унга кузатувчи сифатида мандат беришни сўради, сизнинг ҳаракатингиз қандай?
2. Аккредитациядан ўтмаган хорижий мухбирлар билан УСК раиси ва аъзолар мулоқотга киришиши мумкинми?
3. Сайлов иштирокчилари билан суҳбатлашишда қандай принципга амал қилинади?
4. Сайлов куни иш билан банд бўлиб турган УСК раисига сайловчи кўпол оҳангда бир масала юзасидан саволига жавоб беришни сўради. Раис ҳозир банд эканлигини маълум қилиб унга эътибор бермади. Раис тўғри йўл тутганми?
5. ОАВлари вакили УСК раисидан “Сизнингча бугун қайси партия номзоди кўпроқ овоз олиши мумкин?” деб савол берса, қандай жавоб бериши лозим?
6. Сайлов куни УСК аъзоси бюллетень тарқатаётган вақтда ўзига яқин инсонлар: қариндошлари, дўстлари билан телефонда гаплашиб туриши мумкинми?

Модулни мустаҳкамлаш учун тест саволлари

1. Марказий сайлов комиссияси аккредитациясидан ўтмаган хорижий давлатларнинг оммавий ахборот воситалари вакиллари билан УСК раиси ва аъзолари мулоқотга киришиши мумкинми?

- A) албатта мумкин
- B) фақат аъзоларгина мулоқотга кириша олади
- C) Сайлов кодексига кўра мумкин эмас
- D) Бу қонун билан белгилаб берилмаган

2. Хорижлик кузатувчилар УСК томонидан тузилган сайлов натижалари ақс этган баённоманинг нусха вариантини беришни сўради. Ушбу таълаб қондириладими?

- A) Сайлов кодексига мувофиқ баённома нусхаси тақдим этилади
- B) Самимийлик билан ушбу талаб қондирилмаслиги маълум қилинади
- C) Баённоманинг нусха вариантини округдан олишини маълум қилади
- D) Ички ишлар ходимларига хабар беради

3. Сайлов куни сайловчи депутатликка номзодини қўйганларни танимаслиги, кимга овоз беришга қийналаётганлигини шикоят қилиб раисга мурожаат қилди?

- A) раис самимийлик билан маълумотлар стенди олдида сайловчини олиб бориб номзодлар ҳақида маълумот олиши мумкинлигини билдиради
- B) раис бу сайловчининг ўз муаммоси эканлигини билдиради
- C) самимий табассум билан елкасини сиқиб қўяди
- D) раис самимийлик билан сайловчилар камайган вақтда келсангиз маълумот бераман деб қайтариб юборади

4. Сайловчи жаҳл устида унга сайлов таклифномаси бормаган бўлсада овоз беришга келганлигини раисга билдирди. Раис қандай жавоб бериши лозим?

- A) сиз уйингизда бўлмаган бўлсангиз бизда айб йўқ деб қўполлик қилади
- B) қовоғини осган ҳолда узр сўрайди, орқасига ўгирилиб кетади
- C) самимий қиёфада сайлов таклифномасини қўшнисига ташлаб келганлигини айтиб, қўшнисидан таклифномани олиб келишни айтади
- D) самимийлик билан таклифнома шарт эмаслигини ва фуқаролик маъсулиятини ҳис қилган ҳолда овоз беришга келганлигидан хурсандлигини билдиради ҳамда фуқарога овоз беришга шароит яратиб берилади

5. Сайлов куни хорижлик кузатувчи таржимонсиз УСК биносига ташриф буюрди. Инглиз тилида қисман фикрини билдира олувчи раис ёки бошқа комиссия аъзоси у билан гаплашиши мумкинми?

- A) мумкин эмас
- B) таржимон келгунга қадар у билан гаплашмасдан туради
- C) мумкин, самимий қиёфада унга юзланади, салом беради, мандати борлигига ишонч ҳосил қилгандан сўнг кузатувчилар қаторида ўтиришга йўналтиради
- D) уни кутиб олиб, таржимон бўлсагина бинога киритишини маълум қилади.

6. Манфаатдор ташкилотлар ўз кузатувчилари тўғрисида сайлов комиссияларига сайловдан неча кун олдин ариза билан маълум қилади?

- A) камида ўн беш кун олдин.
- B) камида ўн кун олдин.
- C) 3 ой олдин.
- D) 30 кундан кечикмасдан.

7. Сайлов куни сайлов иштирокчилари билан мулоқот қилишда ўзингизни қандай тутасиз?

- A) Жиддий қиёфада.
- B) сайлов иштирокчилари билан мулоқот қилмасликка ҳаракат қиламан.
- C) Эркин ва самимий.
- D) Жуда хушчақчақ ҳолда.

8. УСК раиси сайлов вақтида ОАВнинг сайловга оид саволларига жавоб беришдан бўйин товлаши мумкинми?

- A) агар сайлов жараёнидан ташқари ёки ваколат доирасига кирмайдиган саволлар берилса жавоб бермаслиги мумкин.
- B) Барча саволларга раис жавоб бериши шарт
- C) жавоб бериш раис ваколатига кирмайди.
- D) Бу вазифани ўринбосарига юклаш керак.

9. УСК раиси сайлов иштирокчилари билан қандай вақтларда жидий, вазминдор қиёфада сўзлашиши керак.

- A) Фақат сайлов кунида.
- B) УСК раиси этиб тайинланган кундан бошлаб.
- C) Сайловчилар шикоят қилиб келганда.
- D) Раис доим сайлов иштирокчилари билан очиқ ва самимий қиёфада бўлиши керак.

10. Сайловчи раисга сайлов вақтида мусиқа қўйилиши кайфиятни кўтаришга сабаб бўлишини билдирди ва буни талаб қилди. Раис қандай жавоб бериши керак?

- A) Энасанин қотириб қуйиши мумкин.
- B) Эътибор қаратмаслиги лозим.
- C) Бу ҳолат сайлов қонунчилигида кўрсатилмаганлигини маълум қилади.
- D) Бу байрам эмаслигини маълум қилади.

АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР

Тушунчалар	Тушунчаларнинг моҳияти
Ахборот менюси	Фотолавҳалардан иборат бўлиб, тўлиқ маълумотларни ўз ичига қамраб олади. Фотоколлаж, слайдли, кўрғазмали, онлайн кўринишда бўлиши мумкин.
Пресс-релиз	Матбуот учун тайёрланадиган, маълум бир масалани ёритишга қаратилган расмий хабар. Пресс-релиз бу янгиликдир ва у янгилик, мувофиқлик ва маълумот тарикасида ёрилади. Маълумотлар аниқ ва қизиқарли бўлиши керак.
Интервью	Суҳбат тури бўлиб, икки ёки ундан ортиқ одам ўртасида суҳбат олиб борилади. Бунда суҳбатдош савол беради ва улардан жавоб олади. Аксарият ҳолларда бу жонли бўлади.

ГЛОССАРИЙ

Ижтимоий мулоқот - шахслараро муносабатларни кенгайтириш, мустаҳкамлаш, такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган ижтимоий эҳтиёжларни қондириш воситаси сифатида намоён бўлади.

Ишбилармонлик мулоқоти- одамларнинг турли хилдаги кўшма маҳсулдор фаолияти ва мазкур фаолиятининг сифатини ошириш воситаси сифатида юзага келади.

Интерактивлик - жиҳати бу индивидлар мулоқотда нафақат билим ва ғоялар балки ҳаракатлар бўйича ҳам ўзаро таъсирини ташкил этишдан иборат.

Мимика (юнон. “mimikos” – “тақлидий”) – юз мускуллари ҳаракатлари орқали шахснинг ўз фикри, хис-туйғулари, кайфияти ҳамда мавжуд воқеликка муносабатини ифодалаши

Мулоқот жараёнида ахборот алмашиш воситалари – шахслараро мулоқот жараёнида ахборот алмашинувини таъминловчи моддий ва номоддий нарса, омиллар (оғзаки ва ёзма нутқ, паралингвистик ва экстралингвистик тизимлар, мулоқотнинг ташкилий кўлами ва вақти, кўз қарашлар ёрдамида ташкил этиладиган алоқа, белгиларнинг оптиккинетик тизими (мимика, пантомимика, жестлар – гавда, қўл ва оёқ ҳаракатлари))

Мулоқот – 1) кишиларнинг ўзаро алоқаси, бир-бирларига таъсир кўрсатишлари кишилар ўртасидаги алоқани тиклаш ва ривожлантириш жараёни; 2) кишиларнинг бир-бирларига таъсир кўрсатиши асосида улар ўртасида рўй берадиган ахборот алмашинуви

Мулоқот маданияти – 1) мулоқот жараёнини ахлоқий меъёрлар, ижтимоий талабларга мувофиқ ташкил этиш асосида суҳбатдошни тушуна олиш эҳтиёжи ва қобилиятига эгалик; 2) педагогик маданиятнинг таркибий элементларидан бири

Нутқ маданияти – ўз фикрини нутқ ёрдамида мантиқли, тўғри, образли, аниқ ва ифодали етказиб бериш малакаларининг ўзлаштирилганлик даражаси

Коммуникативлик - бу мулоқотдаги шахсларнинг ўзаро маълумот алмашинишидир.

Перцептивлик - мулоқот жараёнида ўзаро бир-бирини идрок қилиш орқали тушунишдир, яъни суҳбатдошини ишчи туйғуларини тушуниши, суҳбат вақтида унинг ўрнига ўзини қўйишни ақлан идрок этиш назарда тутилади.

Шахсий мулоқот - шахс ўзининг психологик муаммоларига, қизиқишларига, эҳтиёжларига, ўз ҳаётига, атрофида нималар бўлаётганлигига бўлган муносабатини атрофдагилардан билишга